

Нигора Жалолiddин қизи

УМИДЛИ ДУНЁ

Тошкент 2004

84(54)6-3

ЗАҲМАТКАШ ҚАЛБ МАНЗАРАЛАРИ

Шукур Холмирзаев бир суҳбатимизда айтганди: "Мен ёзаётганимда ҳасратимни айтгаман... Англадимки, ҳар бир ёзаётган нарсанг васиятнинг бўлиши керак". Нигора Жалолиддин қизи ҳам ўз ҳасратини, туйғуларини, руҳий кечинмаларини шеърда айтади. Мен унинг ўқувчиларга тақдим қилаётган ушбу китобчасидаги шеърлар билан руҳан танишдим. Бу шеърларда Нигоранинг заҳматкаш қалби яшайди. У жуда самимий ёзади, муҳими, рост ёзади. Аёл ўз фарзандига алла айтаётгандаги каби рост ва самимий... Ўз ўғлини олис сафарларга кузатаётган онанинг ҳаяжошлари каби маънос ва умидли...

Энди унинг мана бу сатрларига эътибор қилинг:


Қошлардай икки ён камон тортди йўл,
Кўзлардай бир-бирин кўрмоққа йўл йўқ.
Ҳижрон гулчамбарин айлагил қабул,
Севгидан кейинги айрилиқ қуллук!

Ўйлайманки, ушбу тўнламини ўқиётган китобхон меҳнаткаш бир қалбнинг туйғуларига рўбарў келиш билан бирга, ўз қалби билан ҳам юзма-юз келади. Зеро, Нигора шеър ёзай деб ёзаётгани йўқ. У қалб ҳароратини бошқа қалбларга айтапти:

Шеърим!
Ҳамдаму ҳамрозу ҳабибим,
Сатрларим сабрим саловотидур.
Дардимга малҳаму табибим,
Шеърим - пок руҳимнинг тиловотидур.

Хуллас, бу қалбнинг манзаралари ва кечмиш-кечирмишлари тўнламда тирик ҳолда намоён бўлади.

Эшқобил ШУКУР,
шоир.





*Баҳорга ўхшайди бахтиёрлигим,
Шеър базмига ўхшар қушлар хониши.
Чўққининг бир умр боши қорлидир,
Ўшандай оқликдир дилнинг хоҳиши...*



Х Х Х

БАҲОРГА ЎХШАЙДИ БАХТИЁРЛИГИМ,
Шеър базмига ўхшар қушлар хониши.
Чўққининг бир умр боши қорлидир,
Ўшандай оқликдир дилнинг хоҳиши.

Бир зумда бир сўз-ла кўкда яшамоқ,
Мумкин экан ҳатто етмоқ юлдузга.
Бир зумда бир сўз-ла юзтубан кетмоқ
Ва айланмоқ мумкин қаролиф юзга.

Инсон орзулари бениҳоядир,
Ҳар ким ўз эрканин ўрмоғи шаксиз.
Кимнинг юрагида тугал ғоядир,
Кимнинг ўйлагани зарра кераксиз.

Мавҳум жумбоқларга ғарқ кўҳна дунё,
Менинг ёзуғимда не бор - билмайман.
Баҳорга ўхшайди бахтиёрлигим,
Ўз кўнглимда ғамга парво қилмайман.

Нелар инъом этар яна бу тақдир,
Ширин тушларимга бор ширин тавъбир.
Ўзни овуғмоқлик ҳам буюк ишдир,
БАҲОРГА ЎХШАЙДИ БАХТИЁРЛИГИМ!

КЎКСИ ТОҒИМ

Кўкси тоғим - тоғликларим,
Кўксингизга бош қўяйин.
Болалигим ўтган қирнинг
Кўкатига бир тўяйин.
Онам айтган аллаларнинг
Оҳанглари синган замин.
Момом айтган яллаларни
Такрор тишглаб бир тўяйин.
Келинг, кулиб бодомқовоқ
Сулувларим сурув тортиб.
Кўринасиз хушнуду-чоғ
Юрсангиз-да чўнг дард ортиб.
Ортиқча лутф сизларга ёт,
Кулолмайсиз ёлғон билан.
Нокаслардан сира имдод
Сўролмайсиз толғон билан.
Қарғишларга айланмаган
Тилингиздан айланайин.
Қураманинг қуроқчиси,
Кўлингиздан айланайин.
Кўшкарининг донгдорлари,
Шунқорларим, сор, лочишлар.
Сизга меҳрим изҳорлари,
Сизга шеърий бу томчилар...

ЧОТҚОЛ ЧОРЛАЙВЕРАР БАҒРИГА МЕНИ

Чотқол чорлайверар бағрига мени,
Жилғадай жилобахш тоза кунларим.
Кўклам илк элчисин тергум севиниб,
Янаш завқин туйиб бағрида унинг.

Дўлана тагида чалиб чанқовуз
Дунёни унутган онларим ёди.
Хотирдан ўчмагай, ўчмагай хануз
Бобомнинг бол йиққан қўллари тотли.

Тоғларга туташар йўлларим ҳамон,
Охудай ирғишлаб ўтди болалик.
Қадрдон қирларга опикади жон,
Кенгликлар қўйнида унут бор гашилик.

Ҳар сўқмоқ кўзимга иссиқ кўринар,
Ҳар гиёҳ ифори юракка туташ.
Кўксингга мусаффо маъволар инар,
Кўксингга бир ажиб ҳис солар оташ.

Қурама тизмаси тизилиб ўтар,
Тушларимга кирар Чотқол дамодам.
Мени онам бўлиб уйғотиб кетар -
Чўққилар бошида турган қорлар ҳам.

Чотқол чорлайверар бағрига мени,
Кўклам нафасидай тиниқ кунларим.
Чавандоз оғамнинг чапанилиги
Дилга ёқар умид учқунларини....

ВАТАНИНГ БЎЛМАСА

Ватанинг бўлмаса сендан бахтсиз йўқ,
Сендан бечора йўқ, ғариб йўқ, ишон.
Ўз уйинг бўлмаса дилда ёнмас чўғ,
Ўз куйинг бўлмаса қолурсан ношон.
Бурда нон есанг-да ўзинг топсанг шон,
Ўзинг ўз ғамингга излаб топ чора.
Томоққа тиқилса афзалдир илон,
Бировнинг нонини егандан кўра.
Бошдан ўтмаганда бу аччиқ савдо
Тавбага таянмоқ бўлмас аҳтимол.
Бировники билки, келтирар ғавғо,
Ўзингники бўлсин ҳар нарсанг ҳалол.
Қарич ер бўлса-да бошпананг бўлсин,
Қотган нонинг бўлса насибанг улуғ.
Хизр даҳл қилган пешонанг бўлсин,
Миннат юрагингга солмасин оғриқ.
Ҳаммадан қолғувси бу фоний дунё,
Бизга аталгани асли қарич ер.
Шунда-да Саҳоват қувғинди - гадо,
Унга-да кўнглингдан бир парча ер бер!

ЯШАГИНГ КЕЛАР

Юракни сил қилар маккор қасамлар,
Илондек судралган кунлар беилинж.
Кунгли гунг, туйғуси ўлган кимсалар
Бу ғариб дилингда солсалар ўкинч -
Яшагинг келарми?!

Умид сирғаларин тақмаса сабуҳ,
Энигинг қоқмаса дилтортар чорлов.
Елга айланмаса кечаги андуҳ,
Рухинг қалқимаса манзилга асов -
Яшагинг келарми?!

Қоршингда оламни жойласанг тўлмас,
Бу кемтик қалбга лек зарра гард ортиқ.
Сичқон мишг тўлғонсин аждаҳо бўлмас,
Лекин аждаҳодан хавфлироқ, аниқ -
Яшагинг келмас!

Қишнинг жарчилари қарғалар қарғар,
Қатқалоқ заминдан ўрламас ҳовур.
Музлаган кўзлардан музликлар боқар,
Мишг йил эритсанг ҳам эримагай, сур -
Яшагинг келмас!

Аммо...
Осмон сотқин эмас у қадар,
Қуёшнинг бағри-да тош эмас экан.
Булоқнинг дилида йўқ тошга қадар,
Ҳаммага баробар кўз тикар кўклам -
Яшагинг келар.

Дилинг пок ўлса гар, жисминг пок ўлар,
Қалбининг кемтиги ҳам бир кун тўлар,
Гор отанг бор - чинор, онанг-чи, мадор,
Токи улар қалқон, тўрт фаслинг баҳор,
Яшагинг келар, яшагинг...

* * *

Кўнгилни кўнгилга боғламоқ яхши,
Кўксингда бир виқор жунбушга келар.
Бировни жон қадар кутолсанг яхши,
Дийдордан дилингда севишчлар кулар.
Ҳеч ким ачинмаса боқиб ҳолингда,
Ҳеч ким йиғламаса куйиб дастингдан.
Ҳавас эгмасалар фақат молингда,
Ҳеч ким яшамаса жонинг қасдида.
Яшаб бўлармикан аммо шу тахлит,
Умр чизғич эмас, ўтмагай равон.
Яхши-ёмон бефарқ қилурмиз тақлид,
Яшармиз кўксимизғижимлаб армон.
Ҳаётнинг ўзи-ку тугал бир ҳикмат,
Тугал бир ҳақиқат, шоиру-бахши.
Яшасанг, изингдан сачраса шиддат,
Яшасанг, ортингдан сўз қолса яхши.

ҚЎРҚУВ

Ҳар кун такрорланса бир хил йўл,
Мубҳам қолиш ичра бўғилса туйғу.
Имкон, эшигимга кел, эшикбон бўл,
Йўлатма, бемаврид бош суқса қайғу.
Тўтизабонларни ҳар кун эшитсам,
Белим сиқса вақтнинг калта белбоғи.
Эрташга иштиқиб рўёни кутсам,
Ҳосилга кирмаса умрим чорбоғи.
Йиғини унутган юракдай зада,
Ич-ичдан тўкилса бардошим.
Умрим умр бўйи азада -
Булуглар ортида қолса қуёшим.
Ҳар кун такрорланса бир хил йўл,
На маъни топилса, на имкон.
Безовта яшашни унутса кўнгил,
Қашдай кўтараман номингни, ИНСОН?!

АРМОНСИЗ КИМСА ЙЎҚ

Армонсиз кимса йўқдир,
Армон - туннинг боласи.
Қайғусиз дил сўроқдир,
Дардсиз дилдан асрасин!

Тўрхалтанг тўла армон,
Судраласан гадодай.
Борар жойинг даргумон,
Ҳатто шу кенг дунёда.

Сизмайсан ўз кўксингга,
Дунё-ку, дунё экан.
Бир нидо бор бўғзингда,
Қадалган мисли тикан.

Ютоқиблар қўясан,
Сув ҳам ўтмас томоқдан.
Сўнг ўртаниб-куясан,
Бир ички титроқ билан.

Айтолмайсан ҳеч кимга,
Юракдаги дардингни.
Топгунингча кеч бўлар,
Тинглагувчи мардингни!

МУСОФИРЛИКДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Зил сукутга фарқ кичик хонам,
Ютмоқ бўлар хаёл ўпқони.
Унутганча мизғир ҳамхонам
Тилсимларга бой бу дунёни.
Эшикдан бош суқиб паришон
Зерикканин айтар ҳамкурсим.
Бугун ўтсин, саҳарда ишон,
Қишлоғимга қайтаман, дўстим!
Фалон домла оляпти синов,
Қўярмикан, титраб-энтикиб,
Сўраб қўяр қўшни қиз бирров
Умид кўзин эртанга тикиб.
Кечирасиз, топилмайдими...
Бирин-сирин сўровлар тутар.
Очилиб-ёпилиб толмаган
Соқов эшик тоқатим ютар.
Манзаргоҳга отаман ўзни,
Термуламан жим таниш боққа.
Тўкким келар юрак сўзимни,
Кетгим келар она-қишлоққа!

1990 й

РАМАЗОН ТОНГИДА

Қайтгим келмас орқага, йўқ, йўқ,
Оёғимда илоҳий занжир.
Йўқотганим рост бўлсин, гуноҳ,
Сендан олис кетарман охир.
Мен санолар ўқийман қалбдан,
Жойнамозда титрайди қўлим.
Бул саришта уй- улуғ Каъбам,
Бир бошга бор битта чин ўлим.
Тонгда қушдай учади бу дил,
Таанда бегард ҳислар учади,
Мени чорла эй, Адл манзил,
Рухим фақат сенга кўчади.
Сени англаб етгунимча то
Ўттиз йилни берибман, эсиз,
Синов экан бу фоний дунё,
Гуноҳларга йўғрилган тенгсиз.
Жойнамозда титрайди қўлим,
Бул саришта уй -улуғ Каъбам.
Битта бошга битта чин ўлим,
Бошни эгинг, аҳли мукаррам!

* * *

Ғамим куртак отиб кетди, билмадим,
Ғаним кесак отиб кетди, билмадим,
Билсам ҳам гоҳ парво қилмадим,
Кимга мағлублигим Оллоҳ билади!

Эшигимни очди яхшию, ёмон,
Дардларим дастурхон қилди беимон,
Алдовдан азобда қоврилди бу жон,
Кимга мағлублигим Оллоҳ билади!

Зиёга талпиниб риёни топдим,
Гоҳ ҳалол, гоҳ ҳаром дунёни топдим,
Ҳақни ажратолмай рўёни топдим,
Кимга мағлублигим Оллоҳ билади!

Адашган кемадай вужуд қақшагай,
Йўлимга каззоблар тўрлар ташлагай,
Мунис онам тўғри йўлга бошлагай,
Кимга мағлублигим Оллоҳ билади!

Билиб-билмай қилгум нодонни тавоб,
Неча гумроҳлардан дилгинам кабоб,
Қўймасин-да Маҳшар тонги бесавоб,
Кимга мағлублигим Оллоҳ билади!

ШАФҚАТИНГГА ЗОРМАН

Болаликнинг пок кўчасида,
Ҳил-ҳил пишган мева севишчлар,
Таъмингизни кўмсайман жуда,
Ногоҳ қалбга инса ўкинчлар!

Юртни кезиб топмайман кўним,
Ҳар нуқтада яшар бир оғрик,
Оҳ, уларни кўрганим сайин
Қалбни ютиб юборар борлиқ!

Рўнарамда кулади рўё,
Қаҳ-қаҳ отиб келар аросат.
Авваллари кенг эдинг, Дунё,
Узун эди берилган фурсат.

Сабрим букар миннату, таъма,
Қадр қаҳат, тушга айланган.
Хотинлар бор-ҳоқон, эр ҳаммол,
Гўё “озод” қушга айланган.

Юрт кезади юртфурушлари,
Кун туққани рост бойларига.
Кўкрак керар надаркушлари,
Ботаётир нафс лойларига.

Кўкнинг гўё кўзлари сўқир,
Қулоқлари кар улар учун.
Бир кун алар аёвсиз ёнур,
Жаҳаннамга бўлурлар ўтин.

Ёлбораман, тунлар ёстигим
Кўз ёшларга ғарқ бўлгунича.
“Лавҳул-Маҳфуз”, покми, ёзигим,
Ўзинг асра кўз юмилгунча.

Олдинда не синоат, жумбоқ,
 Хаёт синов, ўзинг бер мадал.
 Шафқатингга зорман, ё Оллоҳ,
 Ўзинг қўлла, ўзинг тоабал!

Ёмонлардан адаптир, ё Раб,
 Яхшиларга ёндоптир мени.
 Кўнгил кўзим тортмасин хира,
 Ўлгунимча ёд этай Сени!

КУТИШ

Ана, унсиз ёғастир кор,
Замин узра чўкди оқ туя.
Ҳали кузги мўл ташвиш битмай,
Осмон қордан оқ хирмон уяр.
Чол молу кор ғамини ейди,
Кампир ҳосил билан андармон.
Битта дастёр бўлмади, дейди,
Синиқ нигоҳ йўл боқар гирён.
Қонда сарҳил мева, жомда бол,
Майиз-туршак бари муҳайё.
Боласига илинади чол,
Соғинчлардан кампир ҳам адо.
«Улкан кентда нимаям битар,
На дов-дарахт, на ток бўлмаса.
Шўрлик болам юргандир ранглар,
Ойда битта йўқлаб келмаса!»
Кекса диллар оғриниб кўяр,
Кундан-кунга авж олар ҳориш.
Осмон қордан оқ хирмон уяр,
Қараб турмас энди совуқ қиш...

ГАВҲАРНИНГ ҚЎШИҒИ

Сени олис қишлоқларда,
Бир армонли титроқларда,
Шул мевазор чорбоғларда,
Соғинч-ла нам кўзлар билан,
Айтилмаган сўзлар билан,
Кўксим тўла бўзлар билан,
Жон қадармас, жаҳон қадар,
Оға, зарра имкон қадар
Кутавериб ёнди кўнгил,
Ахир мен-да эдим сингил!

Болам олдга тушар бўлди,
Сўзни бир-бир эшар бўлди,
Кўзим йўллар тешар бўлди,
Ҳосил чўғи мўлдир, оға,
Соғинч қалбда селдир, оға.
Бўш кўнглимни тўлдир, оға.
Тил учида кезмасин ғам,
Сағир бошим бўлмасин ҳам.
Ахир, энди ўзинг отам,
Оға, ахир мен-да сингил,
Кутавериб ёнди кўнгил!

Мени шунга миҳлар тақдир,
Кўксим тафти олов - тақдир,
Сени кўргим келар, ахир,
Ғанимларнинг тили узун,
На-да тили, қўли узун,
Ўртамизнинг йўли узун,
Шу йўлларни енгар ўзинг,
Дардга малҳам ҳар бир сўзинг,
Тушларингга кирай бир зум,
Оға, Сени отам дейман,
Отам келар бу дам дейман...

* * *

Титрама, жоним менинг,
Ситамга ҳеч эгилма.
Жаҳд-ла бўғзимга келиб,
Чиқмоққа жазм қилма.
Бевақт узилган янроқ
Қисмати талх ва аянч.
Ўжар руҳим эт байроқ,
Ғамни сўнг беаёв яшч!
Ахир олдда сен билан
Битадиган иш бисёр.
Чиқиб кетсанг дафъатан,
Борар жойинг бўлар тор.
Орзуларнинг бўйнига
Армон сиртмоқ тортмасин.
Сенга аталган юкни,
Ўзга елка ортмасин.
Титрама, жоним менинг,
Бор қайғулар ўткинчи.
Бу шиддаткор дунёнинг
Бағрида сен бир йўлчи.



*Отам экан чинорим,
Ҳам қувватим, мадорим.
Суянолмай ҳалакман,
Йўқ мустаҳкам деворим...*



20 ЯНВАРЬ

Тонгни тунга улаб ололмадим мен,
Дод солган инимми ва ё полапон.
Дунё торайдими лаҳзада ҳайҳот,
Минг асрни ёриб чиқдими фиғон-
20 январ - кўксимдаги ханжар!

Автолар шовқини, йўқ, сув тошқини,
Бўронми, увлаган кулбам ичинда.
Ё даҳшатдан музлаб қолдими қоним,
Сени юрагимдан қандай ўчирай -
20 январь - кўксимдаги ханжар!

Бир аср улғайиб кетдим бу тунда,
Бесарҳад қайғулар қаритди таним.
Рухим чирқирайди гўё тутқунда
Ўтаётир тонгдан менинг ҳар оним-
20 январ - кўксимдаги ханжар!

Кўз олдимда сароб, идрок адашди,
Тонг, нсчун қоп-қора кўйлақда келдинг...
Мозор йўлларига изим туташди,
Ота, ахир, кеча ёнимда эдинг?!
20 январь - кўксимдаги ханжар!

* * *

Менинг ҳовлимда ҳам гиёҳлар унди,
Бўй чўзди жимгина новдалар.
Қордай секин ғамлар-да тинди,
Сал ростланди ғамнок гавдалар.
Ҳамалгача татиди йилга
Оғир чориқ судраб қайтган қиш.
Кўклам яқин барибир дилга,
Ҳорғин қалблар туяди ёниш.
Ҳайҳот, бу кун фақир ҳовлимда
Сумалакнинг қозони бўм-бўш.
Наврўз йиғлаб турар йўлимда,
Гўё дардманд юрагимга эш.
Ялпиз терар онам-да хомуш,
Оғзи тегсин, илинар бизга.
Кўклам кириб келар фаромуш,
Отамсиз тор бу ҳовлимизга.

ҚЎМСАШ

Оёгин узатди қиш ҳам эринмай,
Рухимда ҳорғинлик ёйди кенг томир.
Ёмғирни соғиндим, ёмғирдай тинмай
Кўз ёшим соғинчдан тиклади чодир.
Чиқолмай чодирдан карахтман, ота,
Йўлимни боғлайди занжирсифат тўр.
Юракнинг азобли оғригин нетай,
Ахир қаноатим ўзим каби ғўр.
Ёмғирни соғиндим, ёмғирдай шаффоф
Туйғулар дилимни эгмасидан тарк.
Онамнинг сиҳатин тангридан сўраб,
Сабрга суяниб яшашим керак!
Кўз ёшлар кўксимга азобдай ботар,
Соғинчнинг кўйлаги бу қадар қора!
Қоқилсам, ёлғиз Сен қўллардинг, Ота,
Қадамларим энди ҳайиқиб борар...

ОНАМГА

Она, кўзларингда кўкарган гулман,
Сўзингдан дур терган булбулман,
Сен-чун ташвиш отлиғ манзилман,
Мен қачон ўзимдан тинаман.

Она, қалбимдаги қуёшсан ёруғ,
Сен билан кунларим ёғдуга тўлуғ,
Билмайман манглайда яна не ёзуғ,
Мен қачон ўзимдан тинаман.

Она, ширин дардинг бўлдим бир умр,
Ҳануз чигалларим ечасан бир-бир,
Тинмаган чироғим, бир дам ором бил,
Мен қачон ўзимдан тинаман.

Узатдингу, узун йўлда жонҳалак,
Ғамимда бошгинанг қилганча сарак.
Ўзинг ўтга-чўққа урасан ҳалак,
Мен қачон ўзимдан тинаман.

Бошингга бир рўмол ташлолмай гунгман,
Сенга етолмасам ғамкаш, забунман,
Ташвишим битмаса худбинман, хунман,
Мен қачон ўзимдан тинаман.

Кўзингда ёш кўрсам титрай олмадим,
Ғамингни ғамкашдай илғай олмадим,
Нега ҳеч одамдай яшай олмадим,
Мен қачон ўзимдан тинаман.

Болам бемор бўлса чошиблар келдим,
Қайғули сатрлар тошиблар келдим,
Дилинг тушунмадим, қошиблар келдим,
Мен қачон ўзимдан тинаман.

Она, нечун сира одам бўлмадим,
Кўзингда гул каби норлаб кулмадим,
Она бўлдим, оҳ, қадриг билмадим,
Мен қачон ўзимдан тинаман.

ЖАННАТ ИФОРИ БОР ИЗЛАРИНГИЗДА

Қабристондан тўкилиб қайтдим,
Сабрим чок-чокидан сўкилиб қайтдим.
Омонат бўлса-да кучгандим бахтни,
Султошим суярди, бор эди тахтим.
Мунғайиб қучасиз елкамдан, ота,
Айрилиқ азоби дилга тош ботар.
Энг оғир дамларда суяндим Сизга,
Етолмасмиз гоҳо бир-биримизга.
Сиз борсиз, чорлагай Паркент ҳаминча,
"Йилт" этган чақин бор саҳоватпеша.
Дунё дўст бўлолмас одамга зинҳор,
Бир жуфт ширин калом этар интизор.
Шундан меҳримизнинг ҳеч адоғи йўқ,
Паркент боғларида қолган меҳри чўғ.
Фариб остонани нечун суяман,
Ҳар қадамда унинг изин туяман.
Қувонсам, қайғурсам шунинг учунми,
Тўкиб кетгим келар қалбим учқунин.
Омонат дунёда омонат жонмиз,
Ота, бир-бировга асли меҳмонмиз.
Ўғлим ўғлингизни эслатар чунон,
Ҳар кимнинг ўз ўрни бўлмоғи аён.
Сиздан олис кетсам ёлғиз отман бот,
Дуонгиз куч берар, сўзингиз сабот.
Сиз ҳикмат булоғи, ҳиммат ўчоғи,
Ўғилу қизларим қўл чўзган тоғи.
Мудом бол ичурмиз сўзларингиздан,
Жаннат ифори бор изларингизда...

* * *

Нуржаҳонга

Ота десанг товонларим зирқирайди,
Кўксимдаги ғариб қушчам чирқирайди,
Бошинг тошдан бўлсин, болам, тош тақдирнинг
Зарбасидан ҳамон жоним сирқирайди.
Сабр деган сариқ олтин этагимда,
Отанг сенинг паҳлавондир эртагимда.
Худо умр берса ҳосил чўғинг кўргум,
Кўзга сургум бандимдаги куртагимдай.
Онаси бор қаримайди дерлар, болам,
Тугунларим ечиб яшар мушфиқам бор.
Юзга кирсин ҳикматларга тўлуғ онам,
Ёлғизларга Аллоҳ ўзи ҳамиша ёр!
Гоҳ силтайман, гоҳ сизлайман, кечир, болам,
Ҳар нарсага қодир онам деб ўйлама.
Юрагингдан аламларни ўчир, болам,
Етимларнинг қўшиғини ҳеч қуйлама!
Ота десанг товонларим зирқирайди,
Кўксимдаги ғариб қушчам чирқирайди...

* * *

Ёлғизман дейишга бормагай тилим,
Юрагим андухдан гар тилим-тилим.
Қарчиғай ўғлим бор, Барчиной қизим,
Уларнинг меҳридан тоғум бир тилим.

ФАРЗАНДЛАРИМГА

Сизга жоним нисор, кўзларим ҳалак,
Паноҳимда мудом сақлаб яшайин.
Ахир заминга ҳам парвариш керак,
Изингиз тириклик сари бошлайин.

Сиз гўр ниҳолларим, еласиз гир-гир,
Митти куртакларим, беғубор, бегард.
Сизга қучоқ очган елкалар сағир,
Илоҳим, чўктириб қўймасин-да дард.

Сиз менинг энг ноёб гавҳарим, тожим,
Қаерга бормайин ўй-хаёлимсиз.
Сиз отинойимсиз, сиз менинг ҳожим,
Соғинчдан топилган чўнг иқболимсиз.

Бегин ёлбораман сизни деб ҳаққа,
Кўксингизга бўлай мангулик тумор.
Тунлар айланайин ёруғ чироққа,
Қундуз кўзингизга бўлайин баҳор.

Сизга жоним нисор, кўзларим ҳалак -
Хавотир-ҳадикдан асрасин Аллоҳ.
Сиз ғариб кулбамга энг подир безак,
Кўзингиздан меҳр ичайин, илло,
Сизга жоним нисор, юрагим ҳалак...

БОЛАЖОН

Сенсиз нафас олмоғим дупвор,
Шум Елғизлик кўланкасида.
Юрагимда гулламас бахор,
Орзум қотар ғам ўлкасида.

Сенсиз Армон кўйлагин кийиб,
Термулардим интиқ тонгларга.
Иғволардан телбавор куйиб
Бош уардим чўнг харсангларга.

Сен борсан, дил умидга тўла,
Қароғимда тунайди сурур.
Яратгандан камолинг сўраб,
Тун-кун ёниб тилайман умр.

Сен борсан, бор дунёча қувонч,
Боларидек боллар ташигум.
Йўлларимда кўқарар ишонч,
Қўлларимда олтин бешигим!

ТИЛАК

Иродага

Мен михлансам тўшакка ногоҳ,
Енгиб қўйса жисмимни чарчоқ,
Сен онам деб чекма болам, оҳ,
Менинг уйғоқ руҳим бўлиб тур,
Қалқони бор қиличдек ўткир!

Отангни сев, худодек ёшиб,
Дардиаринг айт, жондай инониб.
Ўз гўшаңдан кетма ҳеч тониб,
Отанг учун мангу ёруғ из,
Онаңг учун бўл ёниқ юлдуз.

Ҳаётни сев, лаҳзалар олтин,
Мен уларни англолмай қолдим,
Шундан шеърга қайғумни солдим,
Сен умрингни гулдай безагин,
То келмасдан умр кузаги.

Йўқотишлар очар баъзан кўз,
Мангу қийсар битта малъун сўз.
Юрагингни сирқиратмай бўз,
Ўз сўзингда ҳушёр тур, болам,
Яхшиларга ёндош юр, болам.

Асли ҳеч ким фаришга эмас,
Фаришталар фанода кезмас,
Иблисларга қилма ҳеч ҳавас,
Яратгандан шуни сўрайман,
Пок сийратинг гулга ўрайман...

ЎҒЛИМГА

Султон болам, ширин баётим,
Сенсан ойдин тонгдай илинжим.
Ёритгин-ей тун-кун ҳаётим,
Худо берган буюк суюнчим.
Жон ороми мунчоқ кўзларинг,
Унда қуёш тутминдир макон.
Жилға мисол шаффоф сўзларинг
Томиримга қуйилар ҳар он.
Сенга бўйлаб яшайман ўктам,
Кўргим келар келажагингни.
Мендан дадил, мендан-да шахдам,
Толеларни олажагингни.
Қаҳратондай қотмасин кўнглинг,
Сарғаймасин кузакдек бул юз.
Ёздай илиқ тонгларда ўсгин,
Баҳор билан яша юзма-юз.
Тилингдан бол симирай, илло,
Шунда дилға ифтихор тўлғай.
Кимдан бўлсин дуо ол, дуо
Она сути каби пок бўлғай!



*Ёмгир кўзимдаги ёшимга ўхшар,
Булут оқ югурган бошимга ўхшар.
Кўксимдан ниш уриб чиқолмаган Ишқ
Бир-бирова интиқ қошимга ўхшар.*



ЭНАМГА ДЕГАНЛАРИМ

Эна, кароматгўй экансиз, эна,
Менга деганингиз келди ўнгидан.
Барчиной бўлмадим ҳаётда менам,
Алшомиш бўлмади топинганим ҳам.
Кетди кўзга сурган нафис сурмалар,
Ишқ ҳақда тингладим ёлғон афсона.
Қайғулар бу кемтик дилни пармалар,
Орзуим қозиққа айланган, эна.
Барчинининг кўйлагин кия олмадим,
Ҳар гал сиғлингман деб алдади баҳор.
Ёз кўнглим ёзмади, куз кузатмади,
Қошимга бесоҳиб келди Бойчибор.
Қўлимда ундирдим бир афиф гиёҳ,
Ҳар тонг шабнамларга чаяман юзин.
Унинг томирига ботмасин гуноҳ,
Ўзим қўриқлайин унинг илдизин!
Эна, кўзингиздан учиб не бўлдим,
Хазонли боғларда хазинман яна.
Кимсасиз йўлларда сувдай тўкилдим,
Нигора нигорон яшайди, эна.
Билсам, кароматгўй экансиз, эна...

КҮНМАДИМ

Билмадим,
Не хато ўтибди биздан,
Кўзингиз, сўзингиз чувалашибдир.
Кўнгиллар яролиғ ул мубҳам сўздан,
Дилга армон отлиғ ўт тутанибдир.
Билмадим,
Не истар бу ғайир кўнгил,
Аслида зилолдай туйғулар зоҳир.
Вафодай қизи бор, Наводай ўғил,
Яланғоч дарахтдай вужуди оғрир.
Кўнмадим,
Водариғ, бу не ношукрлик,
Кўрмадим кўксида на чўғ, на гулхан.
Туйғусиз дилларга бўлмасман ҳамдам,
Миям оғриб кетди ўйлаб дафъатан!
Кўнмадим,
Кўзимни йиртиб йиғладим,
Ёмғирмас, дарёга айланди руҳим.
Ким учун бир умр бағир тиеладим,
Наҳотки елларга бойланди умрим?!
Кўнмадим, кўнмадим...

* * *

Дилни доғлаб борар ханжарли сўзлар,
Тилни боғлаб борар паптарли кўзлар,
Юракни эди-ку, ҳажрманд бўзлар,
Мен сеники эмас, сен меникimas!

Кутганим на малҳам, на-да мурувват,
Ғаюр дил олмаса ишқингдан қувват,
Давраларда тил лол, вужуд бир суврат,
Мен сеники эмас, сен меникimas!

Ажаб, тушунмасман ўзимни ўзим,
Сен-да тушунмассан қалбдаги сўзим,
Наҳот хира тортмиш бу кўнгил кўзим,
Мен сеники эмас, сен меникimas!

Сени қуволмасам ожиз қуш каби,
Нечун яшолмадик ширин туш каби,
Яраланган маъюс бир оққуш каби
Мен сеники эмас, СЕН меникimas!

КЎЗИНГГА ЧЎКМАСМАН

Қийнама,

Барибир бўлмасман таслим,

Кўзингга чўкмасман мен қайта.

Қайтадан тирилди навниҳол қалбим,

Момомнинг бахт ҳақда қўшиғин айта.

Сўйлама,

Сўзларда йўқдир энтикиш,

Такрор ҳилширамас бахтнинг байроғи.

Не керак энди сур қасамлар ичиш,

Қимга керак совуқ шубҳа сўроғи?!

Ўйлама,

Ношукур эмас бу кўнгил,

Хуш онлар юракдан ўчмагай сира.

Видо айт, қаҳрни либос қилмагил,

Шу либос рангида қолар хотира.

Тинглама,

Бир илинж йиғлар қалбимда,

Барчага баробар очаверма дил.

Мени-ку, қўявер, йўқман бағрингда,

Сен фақат ўзингга ўзинг раҳм қил.

СОҒИНЧ

Соғинч деган азобни ҳеч туйганмидинг,
Айт-чи, жоним, сен ростдан-да суйганмидинг,
Суйсанг мендек ҳажр ўтида куйганмидинг,
Бешафқатим, кўнглимдаги мунгни нетай?!

Кутар бўлдим бўзтўрғайдай бўзлаб-бўзлаб,
Сен қайрилиб боқмай кетган йўлни излаб.
Айт, эртадан мен яшайин нени кўзлаб,
Бешафқатим, кўксимдаги мунгни нетай?!

Қисмат деган аччиқ азоб сиртмоқми, ай,
Бошим солар чилвирига шафқат қилмай,
Хатоларга ўзим уриб юрдим атай,
Бешафқатим, дилимдаги мунгни нетай?!

Ғанимларнинг ғийбатлари қилди-ку шол,
То гул умрим йўлларингда топмай завол -
Кел, кетганинг ёлғон, ғариб кулбамда қол,
Сенинг билан юракдаги мунглар кетар...

ДИЙДОР

Капалак умридай қисқа бу дийдор
Юрагимга чизди армон нақшини.
На сену, на мен-да қилолдик изҳор
Қалбимиз куйдирган ишқ оташини.

Доларанг руҳимга раҳм этмай йиллар
Бошимга бойлади булутдан байроқ.
Мангу туташмагай энди бу йўллар,
Хотирда қолгани бир мубҳам титроқ.

Йиллар аямабди сени ҳам бироқ,
Савлат, сийрат ўзга, нигоҳлар ўша.
Ҳаёт бамисоли катта ўйингоҳ,
Ўтгану, кетгани қилар томоша.

Кўнгил қаримагай, кўнгил ёш дерлар,
Ҳислар асов отдай кўп бебош дерлар,
Ўшал дийдор мени уйғотар гоҳо,
Лоақал бир севган қалб қуёш дерлар...

Дунёнинг бахтлари йиғилса ҳамки,
Биламан бизларга бу бахт етмайди.

Минҳожиддин МИРЗО.

Капалакка ўхшатдингизми,
Учиб-қўниб бедор юрганим.
Ҳаяжонга банди юрагим
Жонҳалакка ўхшатдингизми?

Жавобсиз ишқ куйдирди жоним,
Нега менга етмайди имкон.
Ўт ҳисларим ўртада сарсон.
Жавобсиз ишқ ёндирди жоним!

Дунёдаги энг қўрқинч туйғу -
Изҳори дил экамини ошкор,
О гул умрим ўтмаса бекор
Мени бунча чулғамас қайғу!

Сиз осмонга боқасиз мудом,
Юлдузларга очасиз юрак.
Замин узра сағир дил ҳалак,
Юлдузлар жим, юлдузлар фирром.

Капалакка ўхшатдингизми,
Ҳаяжонга банди юрагим,
Бахтли бўлмоқ эди тилагим,
Жонсаракка ўхшатдингизми?

Чорлайверсин, майли, юлдузлар,
Сўйлайверинг самовий ҳисдан.
Агар ортиқ бўлса у биздан,
Арзимасак агарда бизлар...

ҲАЖРГА ОТМА МЕНИ

Юсуфим, қудуғинга тушир мени, чўқойин,
Оғаларинг синдирган дилиннга шам ёқойин,
Кўз ёшинг дарёсида мангу қолиб оқойин,
Аро йўлда айрилиб ағёрга тутма мени!

Орим буколмас илло, ҳар учраган нокаслар,
Бўйимга бўйлай олмас бил, бегона нафаслар,
Созма дилимга шубҳа отлиғ темир қафаслар,
Ўлдир, Юсуфим, ўлдир, қаҳрга элтма мени!

Ахир сени йўқотиб жигар-бағрим бўлди хун,
Сабрдан кўйлак бичдим сўнг ўзимга узун тун,
Яшасинми дилпоранг хаёлдаги ишқ учун,
Ёлғизлик азобига мард бўлсанг сотма мени!

Етар, охи зоримдан тошлар зирқираб бўлди,
Бағримдаги жайроним, оҳум чирқираб бўлди,
Кўзимдаги куйигим ҳар ён тирқираб бўлди,
Ягона ўгинчим бор, норим, унутма мени!

Зулайҳодек ҳажринда ёқолашиб ўлурман,
Сен об тутмаган гулдай бевақт, беруҳ сўлурман,
Чорласанг ўлмай туриб кўксингда ўт бўлурман,
Ўлдир, Юсуфим, ўлдир, ҳажрга отма мени!

1993 й.

* * *

Тескари айлансин дунё шу тобда,
Сизга отар бўлсам залворли таъна.
Сўзим етган бўлса аччиқ хитобдай,
Унда ишончимнинг уйи - ғамхона.
Изимдан кезина бошлар изтироб,
Кўнглимнинг тубида зорланар узр.
Узрни йўллагим келару, шу тоб
Фурурим йўлимга чуқурлар қазир.
Сиз-да қочаяписиз кўзингиз олиб,
Мавҳум алам ичра тирналар бағир.
Ўртада муқаддас онлар танг қолиб,
Юраклар огриниб кетмоқда, ахир.
Биласиз, арзимас гина ўти ҳеч,
Шам янглиғ ёнару, ўчар бир зумда.
Дилга нақшин солиб улгурмай ўкинч,
Машғала ёндириб, бегим кўзимда!

* * *

Учраштира олмай бизни ёз ҳалак,
Кузнинг умидлари бир тутам сароб.
Баҳор - тутқич бермас қанақак,
Ошноқ қор қалбдаги гўзал изтироб.

Манзиллар тутанди бизларни излаб,
Соҳиллар бурқанди бир зариф нурга.
Ёлғиз висол сени-мендан аразлаб
Кетгандек бош олиб номаълум ерга.

Юзлари бепардоз гуллардай хомуш,
Қушлар ўтаверар, ўтади тушлар.
Ҳижрон юракларга кирар фаромуш,
Зимдан кулиб ўтар бағри бутушлар.

Учраштира олмай бизни дил ҳалак...

* * *

Хайр, кўл силтайман бетитроқ, бежон,
Йиғлайман ғурабо кунларим учун.
Мен сени шунчалар кўрдимми ёмон,
Бу ишқнинг қасдими ё нафрат ўчи!

Кўзингнинг кўзимга боқмоғи гумон,
Ўзингни ўзинга қайрайсан нега!
Сен мени шунчалар кўрдингми ёмон,
Етим ваъдалар ҳам қолмиш беэга!

Қошлардай икки ён камон торғди йўл,
Кўзлардай бир-бирин кўрмоққа йўл йўқ.
Ҳижрон гулчамбарин айлагил қабул,
Севгидан кейинги айрилиқ қулдук!

Хайр, кўл силтайман бетитроқ, бежон...

ЧОРЛОВ

Кушлар ўтиб кетаверади,
Уни асло тўхтатиб бўлмас.
Ҳижрон қонлар ютаверади,
Бедор-бедор кутганинг келмас.
Чорраҳада тўхтаган каби
Телбасимон чайқалар бошлар.
Кимга керак энди, азизим,
Кечиккан бу ғамгин кўз ёшлар.
Бизга одат сўнг пушмон чекиш,
Ёниб-ёниб ўтаверамиз.
Кўнглимиз ёш, кўнглимиз беҳишт,
Лек улуғлаб кетаверамиз.
Асли ўзи бир тутам фано
Дайридаги хушнуд бу кушлар.
Сену, мен-да тан олмай, эвоҳ,
Кўнглимизга соламиз мунглар.
Кел, яхшиси қувайлик ғамни,
Кимга керак маломат, араз.
Одам олар тафтин одамнинг,
Ҳеч ким минг йил яшаган эмас!

* * *

Юрагим боғлагали жоним киби жон керак,
Шул жоним ошён этар бир муъжаз жаҳон керак.
Жаҳонки, дил қасримда юлдуздай нур ушатар,
Ой-ла сўнг тиллашмоққа муҳташам айвон керак.
Қароғига Ой ботиб, сўнг Қуёшни уйғотиб
Нурларин нурқағувчи оташкор исён керак.
Тобакай кутгум ғурбат чоклари сўкилмоғин,
Бу чокларни сўкмоққа чин бир меҳрибон керак.
Нидом Ҳаққа етгайму, бахт қўлимдан тутгайму,
Бахтни ҳам асрамоққа забардаст қалқон керак.
Нигор, куймагил ортиқ, ҳажр чўлида дил фотиҳ,
Ишқ ҳақда сўйламоққа мухтасар имкон керак.

СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

Худойим, караминг кенглигин туйдим,
Ўзингни, ўзингни, ўзингни суйдим,
Қаро кунларимни эритдинг қордай,
Қайғулар қаритган қаддим тик қўйдим.

Ўзим билмай нелар заволи бўлдим,
Бир ишқнинг, бир дилнинг саволи бўлдим.
Жангда шер бўлмадим, эр бўлолмадим,
Лек елкаси яғир чумоли бўлдим.

Ёлғизликдан ёшим ёмғирдек сизиб,
Бедор кечаларда илигим узиб.
Тўрт деворга боқдим тунлар дилдираб,
Титраб дуо айтдим тасбеҳга тизиб...

Сабр туби раҳмон, дердилар отам,
Сабр сабоғини бердилар онам.
Палагим пок тутмоқ учун ўртандим,
Шукр, соф ҳавога тўйинган хонам.

Болам бемор чоғлар бошимда қиров,
Биров билди ғамим, билмади биров.
Ўзингдан ёлбориб сўрадим нажот,
Анал-ҳақ, бежавоб қолмади сўров.

Яхшига ёндошдим, яхшилик ғолиб,
Ўзинг йўл кўрсатдинг дилимга солиб,
Энди адаштира, Парвардигорим,
Кўрсат ниҳодларим кўрку камолин.

Худойим, ҳавойи гапдан қочурман,
Ўзингта, ўзингта дилим очурман.
Шукрдан бўлак ҳеч калима келмас,
Нолисам полонман, сира кечирма!

Севинч ёшларини тўкурман бу кун,
Фариб қулбам узра нур сочар очун.
Қучсам қучоғимга сиғмагай ўғлим,
Яшабман мардона, қизларим учун,

Севинч ёшларини тўкурман бу кун...

* * *

Шеърим,
Кўнгил гулзоримнинг дурдона гули,
Билсанг, ҳаммадан кўп суяндим сенга.
Ўзингсан, дилимнинг сайроқ булбули,
Хайрат булоғидан сув тутдинг менга.

Куйсиз куйиб ўтар туйғусиз диллар,
Сенсиз баҳорларни тиламас қалбим.
Шеър ўқиб пойимда бўй чўзсин гуллар,
Шеърий гулдастага йўғрилсин қабрим...

Боламдай бошингни силарман, қалам,
Қоғозга қайғумни тўшарман қат-қат.
Тилларга кўчмасин андуху-алам,
Сўнг такрор ўзингдан тиларман шафқат.

Шеърим!
Ҳамдаму ҳамрозу ҳабибим,
Сатрларим сабрим саловотидур.
Дардимга малҳаму табибим,
Шеърим - пок руҳимнинг тиловотидур...

МУНДАРИЖА

Заҳматкали қалб манзаралари.

БАҲОРГА ЎХШАЙДИ БАХТИЁРЛИГИМ	
“БАҲОРГА ЎХШАЙДИ БАХТИЁРЛИГИМ”.....	4
КЎКСИ ТОҒИМ.....	5
ЧОТҚОЛ ЧОРЛАЙВЕРАР БАҒРИГА МЕНИ.....	6
ВАТАНИНГ БЎЛМАСА.....	7
ЯШАГИНГ КЕЛАР.....	8
“КЎНГИЛНИ КЎНГИЛГА БОҒЛАМҚ ЯХШИ”.....	9
ҚЎРҚУВ.....	10
АРМОНСИЗ КИМСАЙЎҚ?.....	11
МУСОФИРЛИҚДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР.....	12
РАМАЗОН ТОНГИДА.....	13
“ҒАМИМ КУРТАК ОТИБ КЕТДИ, БИЛМАДИМ”.....	14
ШАҒҚАТИНГГА ЗОРМАН.....	15
КУТИШ.....	17
ГАВҲАРНИНГ ҚЎШИҒИ.....	18
“ТИТРАМА, ЖОНИМ МЕНИНГ”.....	19
ОТАМ ЭКАН ЧИНОРИМ...	
20 ЯНВАРЬ.....	21
“МЕНИНГ ҲОВЛИМДА ҲАМ ГИЁҲЛАР УНДИ”.....	22
ҚЎМСАШ.....	23
ОНАМГА.....	24
ЖАННАТ ИФОРИ БОР ИЗЛАРИНГИЗДА.....	26
“ОТА ДЕСАНГ ТОВОНЛАРИМ ЗИРҚИРАЙДИ”.....	27
“ЁЛҒИЗМАН ДЕЙИШГА БОРМАГАЙ ТИЛИМ”.....	28
ФАРЗАНДЛАРИМГА.....	29
БОЛАЖОН.....	30
ТИЛАҚ.....	31
ЎҒЛИМГА.....	32
ЁМҒИР КЎЗИМДАГИ ЁШИМГА ЎХШАР	
ЭНАМГА ДЕГАНЛАРИМ.....	34

КЎНМАДИМ.....	35
“ДИЛНИ ДОҒЛАБ БОРАР ХАНЖАРЛИ СЎЗЛАР”.....	36
КЎЗНИНГА ЧЎКМАСМАН.....	37
СОҒИНЧ.....	38
ДИЙДОР.....	39
“КАПАЛАККА ЎХШАТДИНГИЗМИ”.....	40
ҲАЖРГА ОТМА МЕНИ.....	41
“ТЕСКАРИ АЙЛАНСИН ДУНЁ ШУ ТОВАДА”.....	42
“УЧРАШТИРА ОЛМАЙ БИЗНИ ЁЗ ҲАЛАК”.....	43
“ХАЙР. ҚЎЛ СИЛТАЙМАН БЕТИТРОҚ, БЕЖОН”.....	44
ЧОРЛОВ.....	45
“ЮРАГИМ БОҒЛАГАЛИ ЖОНИМ КИБИ ЖОН КЕРАК”.....	46
СЕВИНЧ ЁНЛАРИ.....	47
ШЕЪРИМ.....	49



Умидли Дунё.

Нашир учун масъул: Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси Адабиет жамғармаси
директори Курбонмурод Жумаев

Муҳаррир: Минҳожияддин Мирзо
Мусаҳиҳ: Феруза Бекболатова
Расом-дизайнер: Мелконян Маргарита
Тех. муҳаррир: Гончарова Ирина

14.09.2004 йилда нашрга рухсат этилган. Бичими
84x 1/32. Оффсет босма усулида босилди. Адади 1000.
Шартли босма табоғи 3. Буюртма №43

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
«Адабиёт» жамғармаси нашриёти

«OFSET PRINT» босмахонаси.
Чўпонота кўчаси «М» мавзеси.
«Ўзқишлоқлойиҳа» МЧЖ.